O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 22 июль, чоршанба • № 57 (11.040) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

17 июль куни Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатлараро Кенгаш мажлисида ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этган тўрт Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги бундан буёнги алоқаларнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар якунига кўра Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида фавқулодда вазиятларни огоҳлантириш ва уларни тугатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим, ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги Шартномада иштирок этувчи Марказий Осиё давлатлари минтақа бирлашмаси номини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг беш йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорлар имзоланди.

Давлатлараро Кенгаш ишида мамлакат Бош вазири Ўткир Султонов иштирок этди.

"ЖАҲОН" ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 28 июнь куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Ўн олтита округда ўтказилган сайловда сайловчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этдилар.

Овоз беришда вилоятимиздаги сайлов ўтказилган Бинокор округида сайловчиларнинг 91,8 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов барча округларда қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 11-, ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек бўшаб қолган ўринларга 1998 йил 28 июнь куни ўтказилган сайлов натижаларига кўра вилоятимиздаги 151-Бинокор сайлов округидан Ангрен шаҳрида яшовчи, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши томонидан кўрсатилган номзод, Ангрен шаҳар ҳокими Ҳамидулла Асатов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланди.

АСКАРЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги" фармонига мувофиқ Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қошида тузилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, мазкур комиссия раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Ижтимоий таъминот, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда "Камолот", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар мутасаддиларининг ўтган ярим йилликдаги фаолияти якунлари ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар ҳарбий қисмларда бўлиб, учрашувлар ўтказиш, аскарларнинг турмуш шароити, у ердаги таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишиш интизомни янада мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очиб берганлигини таъкидладилар. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва ҳарбий бурчга юксак садоқат ҳақидаги суҳбатларнинг мазмунини бойитиш, маҳаллаларда ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида олиб борилаётган ишлар савиясини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

(ЎзА).

Н-чи ҳарбий артиллерия қисмида Тошкент Давлат Техника Университетининг талабалари бўлғуси зоҳирадаги зобитлар таълим олишади.

Суратда: ҳарбийлар қасамёд қабул қилаётган пайт.

Равшан НУРИДДИНОВ сурати (ЎзА).

Она юртим — қалбим ғурури

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Мустақиллик шарофати туфайли қишлоқларимизда ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Уларнинг қиёфаси кундан-кунга чирой очмоқда. Муҳими қишлоқ одамларининг дунёқараши, жамиятдаги ўзгаришларга муносабати янгиланиб бормоқда. Қуйида ана шундай масканлардан бири — Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғи ҳақида ҳикоя қиламиз.

"Ҳасанбой қишлоғи", "Ҳасанбой узуми", "Ҳасанбой одамлари" деган гапларни кўп эшитганмиз. Ана шунда табиий савол туғиларди. Ҳасанбой дегани ким бўлган ўзи?

Ҳикоя қилишларича, ҳозирги боғ-роғлар безаб турган бу гўзал ҳудуд ўрнида бир вақтлари дашт-биёбондан иборат қир-адирлар бўлган экан. Одамлар шаҳардан чиқиб, бу ерда деҳқончилик қилишган. Дала ҳовли сифатида дам олишган. Лекин сув тақчил бўлган. Ана шунда Қулоқтепанинг шундоққина ёнидан оқиб ўтадиган Бўзсув йўлини қир-адирларга буриб юборишни Ҳасанбой оқсоқол деган деҳқон ўз зиммасига олган. У ҳўкиз қўшилган омоч билан сувнинг текис оқадиган йўлини жуда аниқ белгилаб берган. Ана шундан сўнг ҳашар йўли билан ариқ қазилиб, сувсиз ерларга об-ҳаёт чиқарилган.

— Ҳасанбой ота ва унинг авлодлари орзулари қат-қат бўлган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши раиси Комилжон ака Ғофуров, — Лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ. Шўролар даврида бу орзуларнинг аксарияти сароб бўлиб қолди. Қишлоқ кенгашлари елкасига кўп "юк" ортиларди-ю, бироқ амалда улар камситиларди. Мустақил бўлганимиздан сўнг эса Ҳасанбой ота ва унинг авлодлари етолмаган орзуларга мана бугун биз етишмоқдамиз.

Комилжон аканинг ҳикоясини тинглаб, қишлоқни айланиб, одамлар билан суҳбатлашиб, ўтган етти йил давомида бу ерда ҳақиқатан ҳам улкан ишлар амалга оширилганлигини билиб олдик. Бу ишлар кенг жамоага таянниб, Президентимизнинг қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисидаги фармонлари одамлар онгига чуқур сингдириб олиб борилмоқда. Қишлоқда 1347 хонадон истиқомат қилади. Уларда салкам 10 минг аҳоли яшайди. Ҳасанбой жамоа хўжалиги, Кенгсой, Чувалачи бўлимлари бор.

Аҳоли 4 та маҳаллага уюшган. Булар Ҳасанбой гузар, Норхўжа Амин, Ҳасанбой, Кенгсой маҳаллаларидан иборат бўлиб, ўша жойларда обрўли, кўпни кўрган оқсоқоллар: Низом Исроилов, Тўлаган Мелибоев, Саидкарим Саидаҳмедов, Тошбуви Ғаниева сингари фидойи одамлар етакчилик қилмоқдалар.

Қишлоқда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш тўғрисида қандай ишлар олиб борилаётганлигини раис завқ-шавқ билан гапириб бердилар. Бунинг учун асос бор эди.

Деҳқон узоқ йиллар кўкрагига шамол тегмай меҳнат қилди. Киши дунёга бир марта келади-ку. Шундай бўлгач, у яхши ишлаганига яраша, яхши яшаши ҳам керак-да. Қишлоқ фуқаролар йиғини ижтимоий масалаларни ҳал қилишда асосий диққат-эътиборни ана шу тугунни ечишга қаратди. Бу осон иш эмас. Илгарилари шундай бўларди-ки, жамоа хўжалиги, қишлоқ кенгашлари муштни бир ерга урмасди. Бири аравани уёққа, бири бу ёққа тортарди. Шунинг учун ҳам кўп масалалар сансалор бўларди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раисларининг нуфузи оширилиб, улар туман ҳокимининг қишлоқдаги "суянган тоғ"лари, ишончли ёрдамчилари даражасига кўтарилгач, ишлар юришиб кетди. Хўжалик ва фуқаролар йиғини имкониятлари жамлашди. Мушт бир ерга урила бошланди. Шунинг учун ҳам масалалар ўз-ўзидан ҳал бўла бошлади. Энг биринчи навбатда деҳқончиликда ишлайдиганларнинг сарасини қолдириб, бошқаларни шу ҳудуднинг ўзида иш билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Бунинг учун қатор-қатор кичик қўшма корхоналар, хусусий ишлаб чиқариш уюшмалари, дўконлар, магазинлар очилди.

Бизга ҳисоблаб беришди. Ўтган давр мобайнида 500 га яқин ишчи ўринлари очилиб, уларда асосан шу қишлоқнинг одамлари фаолият кўрсата бошлаган. "Ганжи-байжон" қўшма корхонаси, Янгибозор қурилиш материаллари корхонаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Маҳалла оқсоқоллари бош бўлиб, тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳиммати, салоҳиятидан фойдаланиб, қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши, жамоа хўжалиги, маъмурият ташкилотчилиги-ю, қўллаб-қувватлаши туфайли ҳар бир маҳаллада бир-бири билан чирой талашадиган гузарлар қурилиб, ишга туширилди. Имом гузари, Ниғмон ота, Толиб ота гузарлари... Ҳар бир гузарда озиқ-овқат магазини, чойхона, сартарошхона, дорихона, машиналар, радиотелевизор ва бошқа уй-рўзғор буюмларини таъмирлайдиган устахоналар, нонвойхона, қандолатчилик цехлари, сартарошхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Аҳоли хурсанд бўлиб, қандай яхши бўлди-я, илгари арзимаган иш учун шаҳарга қатнаб, овора бўлиб юрардик, дейишади.

Гузарлардаги аҳвол, у ердаги катта-кичик корхоналарнинг фаолиятини маҳалла қўмиталарининг раислари назорат қилиб борадилар. Одамларнинг фикрини, таклифини ўрганадилар. Муаммолар бўлса, унинг ечими ҳақида бош қотирадилар. Фуқаролар йиғини кенгашида ҳар чоршанбада бўлиб турадиган йиғилишда оқсоқоллар бу ҳақда ҳисоб берадилар. Бу йиғинда жамоа хўжалиги маъмурияти вакиллари ҳам иштирок этадилар. Биргаликда яхши тажрибалар қайд қилиниши билан бирга муаммоларни ҳал қилиш ҳақида маслаҳатлашадилар, янги режалар тузадилар.

Ана шундай йиғинларнинг бирида аҳолидан тушган таклиф ўртага ташланиб, вақти-вақти билан уруш ва меҳнат ветеранларини сайру саёҳатларга, зиёратгоҳларга олиб бориш масаласи ўртага ташланди. Шунингдек, ибратли, намунали оилалар мисолида қишлоқнинг қиз-жувонларини йиғиб, вақти-вақти билан оила, турмуш масаласи ҳақида суҳбатлашиш зарурлиги қайд қилинди. Ҳар икки масала ҳам ҳал этилди. Қишлоқнинг қариялари махсус автобусларда сайр қилдириб келинди. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходими, таниқли шоира Турсуной Содиқова 500 га яқин аёллар йиғилган мажлисда маъруза қилди. Аёлларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Бу катта таассурот қолдирди. Шу йиғилишда келгусида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган комил инсонларни тарбиялашда оилада аёлнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тозалик — озодалик, дил равшанлигидир. Бу борада ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Тозалик ишлари ҳар бир кўча фаолларига биркитилган. Улар хонадон соҳиблари билан биргаликда иш олиб борадилар. Натижада ота-боболаримизнинг удумлари тикланди. Ҳар бир хонадонда кир, ахлат ўралари бўлишига эришилди.

Қисқаси, қишлоқ фуқаролар йиғини олиб бораётган катта ташкилотчилик ишлари туфайли Ҳасанбой қишлоғи тумандаги энг обод, энг чиройли, энг гўзал масканлардан бирига айланиб қолди. Табиийки, одамларнинг меҳнатга, ўз бурчига, ишига муносабати тубдан ўзгарганлиги, янгича фикрлаш, янгича мушоҳада қилиш фазилатлари шаклланганлиги туфайли ана шундай ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Биз деҳқонлар, ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Пудратчи деҳқон-сабзаворкорман, — дейди Қобил ота Тўлаганов, — икки қизим, икки ўғлим бор. Меҳнатимиз қадр топганлиги, ерга эгалик қилаётганлигимиз учун ҳам олаётган даромадимиз баракали бўляпти. Бўлмаса, шу қисқа давр ичида икки ўғлни уйли-жойли қилиб, уйлантириш, айниқса, биласиз, икки қизни узатиш ўзи бўлармиди. Худога шукур, бу орзу-ҳаваслларнинг ҳаммаси кўнгилдагидек ўтди. Ҳозир 13 неварани бобосиман. Катта ҳовли жойимиз, томорқамиз, чорвамиз бор. Ейишданичишдан камчилик жойимиз йўқ. Меҳнатимизга яраша рағбат кўряпмиз...

Биз қишлоқ фуқаролар йиғинидан сал наридаги хусусий озиқ-овқат магазинида бўлдик. Пештахталарда аҳолига кундалик рўзғор учун зарур бўлиб турадиган жамики маҳсулотлар муҳайё. Ёғ дейсизми, шакар, совун дейсизми, хуллас, ҳаммаси бор.

Қисқаси қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар бугунги кунда одамларни ҳаракатга келтирмоқда, уларни улкан яратувчилик ишларига ундамоқда. Ғайрат, шижоат, ташаббус кўрсатиб, ўзларининг бутун куч-қобилиятларини тўлалигича намоён этиб, меҳнат қилишга даъват этяпти. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг онгида, дунёқарашида, меҳнатга бўлган муносабатида янгича ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда бундай ўзгаришлар, бундай янгича анъаналар, тамойиллар, урф-одатларнинг пайдо бўлиши республикамиздаги ҳар бир вилоят, ҳар бир қишлоқ ҳудудига хос бўлган ижобий фазилатлардир. Бу Президентимизнинг қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга изчил тадбиқ этиш юзасидан олиб бораётган катта саъй-ҳаракатларининг мевасидир. Бу мевани татиб кўраётган ҳамюртларимизнинг она юртларига, туғилиб ўсган қишлоқларига бўлган меҳр-муҳаббатлари тобора ортиб, ғурурлари кучайиб бормоқда. Буни лўнда қилиб, мустақилликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқдалар, деб айтиш мумкин.

Носир РИХСИЕВ, "Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

Вилоят маънавият ва маърифат маркази ғалла ўрим-йиғими мавсумида тез-тез далаларга чиқиб ғаллакорлар билан суҳбатлар уюштирмоқдалар.

Яқинда марказ раҳбарининг муовини М. Мирзаев бошчилигидаги тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзолари Янгийўл туманидаги Ниёзбош хўжалигининг И. Худойберганов бошлиқ ғаллачилик бригадаси дала шийпонида хўжалик ва туман ғалла топшириш буюртмасини бажарганлиги муносабати билан ғаллакорларни табрикладилар. Гуруҳ аъзоларидан — Республика прокуратураси ўқув маркази илмий ходими М. Алижанова, вилоят "Саломатлик" маркази ходими А. Шохобиддинов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши бўлими мудири Л. Кочерко инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, саломатликни сақлаш мавзуларида қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар. Туман маданият бўлимининг Қ. Чемиров раҳбарлигидаги "Гулбаҳор" дастаси ғаллакорларга ўз санъатларини намойиш этдилар.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

"ИЗЛАНИШ" ТАДҚИҚОТЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтаришда уруғчилик муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб "Ҳақиқат" хусусий уруғчилик корпорацияси ташкил этилди.

Унинг фаолиятини йўлга қўйишда маркетинг ва менежмент ишлари қўл келди. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги "Изланиш-МБФ" илмий-тадқиқот фирмаси томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар "Ҳақиқат" корпорациясида уруғчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш имконини берди.

Фирма пахтакор хўжаликларни хусусийлаштириш бўйича ҳам қатор ишланмаларни тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

ФОЙДАЛИ ТАЖРИБА

ОҚҚЎРҒОН тумани ҳокимлигида юзага келган муаммоларни мутасаддилар иштирокида дарҳол жойида ҳал этиш тажрибаси кенг қўлланиляпти. Бу ўз самарасини бермоқда.

Куни кеча тумандаги "Қаҳрамон" деҳқон-фермер хўжалигида ярим йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоа хўжалиги аъзолари билан бир қаторда ҳоким Абдуғани Деҳқонбоев туманда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Хўжалик раиси Абдусамад Сафоевнинг маърузасида кўтарилган муаммолар шу ердаёқ муҳокама этилиб, ҳал этиш режалари белгилаб олинди.

Малика ТУРДИБОЕВА.

УЧ МАРТА АРЗОНЛАШДИ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг аксарият корхоналарида ва олиб борилаётган қурилишларда қум ҳамда шағал кўп ишлатилади. Илгари бундай зарур бинокорлик ашёлари Эйвали номаъдан қурилиш материаллари комбинатидан олиб келинарди.

Уларни ташиш учун кўпгина транспорт воситаларидан фойдаланиларди. Бунинг устига кейинги йилларда қум-шағалнинг нархи ҳам бир неча баробар ошиб кетди. Ҳар йили ўнларча минг куб метр ҳажмдаги бундай хом ашёларни ташиш жуда қимматга туша бошлади.

Бундай ҳолни бартараф этиш керак эди. Кончилар ва транспортчилар комбинатнинг ўзида қум ва шағал тайёрлаш бўйича ишлаб чиқаришни барпо этдилар. Шу тадбир туфайли бундай материаллар таннархи уч марта арзонлашди.

Собир ҲАМИДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТЕСТ — ЭНГ АДОЛАТЛИ СИНОВ

Мамлакатимизда йилдан-йилга таълим тизимини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, бу ишда адолат меъзонини ўрнатишга катта эътибор берилмоқда. Бундан беш йил муқаддам олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул жараёнида Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб тест синовлари жорий этилган эди. Тест энг адолатли синов усули эканлигини бугун барча эътироф этмоқда.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази директори Муҳсин МУҲИДДИНОВ билан учрашиб, бу йилги тест синовларига тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Муҳсин Мўминович, аввало бу йилги тест синовларидаги янги қоидалар, ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Истиқлол шарофати билан эришган кўплаб ютуқларимиз қаторида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ёшларни тест синовлари асосида қабул қилишга ўтганлигимизни ифтихор билан таъкидлашим керак. Давлат тест маркази ўз фаолиятини бошлаганига беш йил бўлди. Ўтган қисқа муддатда синовга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Эндиликда давлат миқёсидаги бу ғоя рўёбга чиқибгина қолмай, ҳамма учун энг маъқул воқеликка айланди. Ваҳоланки, дастлабки даврда тест синовларига кимдир чўчиб, яна биров шубҳа билан қараган эди.

Тест усулининг ҳаётимизга тобора сингиб бораётганига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, таълим ҳақидаги қонун ҳаётга татбиқ этилаётган даврда ўқишга кираётган ёшлар билимини баҳолаш борасида тестнинг ўрни беқиёсдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бу йил мамлакатимиз олий ўқув юртларига давлат грантлари бўйича 21 минг, шартномалар бўйича ҳам шунча, жами 42 минг талаба қабул қилинади. Қарорда тест синовларидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ўтган йилларда давлат грантлари бўйича алоҳида, шартномалар бўйича алоҳида қабул ўтказиларди. Баъзан давлат гранти бўйича юқори балл тўплаган абитуриент қолиб, шартнома бўйича ундан оз балл тўплаган абитуриент ўқишга кириб кетар эди. Бу усул отаоналарда ҳақли эътироз уйғотди. Шунинг учун бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул барча учун — давлат грантлари бўйича ҳам, шартнома бўйича ҳам тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилади. Тест синовларидан энг юқори балл тўплаган абитуриентлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилинади.

Масалан, бирор олий ўқув юртига 500 та давлат гранти бўйича, 500 та шартнома асосида, жами 1000 талаба қабул қилинади дейлик. Янги қоидага биноан энг юқори балл тўплаган 1000 та абитуриентнинг дастлабки 500 таси давлат грантлари бўйича, қолган 500 таси шартнома асосида қабул қилинади. Шунингдек, бу йил талабалар қабул қилиш мамлакатимизда мутахассисларга бўлган эҳтиёжга қараб белгиланди. Жорий йилда гуманитар мутахассисликларга 14 мингта жой ажратилган. Мамлакатимизнинг чет эллар билан алоқаси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Демак, чет тилини биладиган мутахассисларга талаб ортмоқда. Бу йил биргина жаҳон тиллари университетига 1170 та талаба қабул қилинади. Сўнгги йилларда мактабларимизга малакали ўқитувчилар етказиб бериш, ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил педагогика ўқув юртларига ҳам ҳар йилгидан кўпроқ талаба қабул қилинади. Биргина Тошкент давлат педагогика университетига 2080 та ўрин берилган.

Шу йилдан бошлаб миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва мудофаа вазирликлари тасарруфидаги ўқув юртларига ҳам тест синовлари асосида қабул бўлади. Марказимизда бу ўқув юртларига курсантлар танлашга мўлжалланган махсус тестлар яратилди. Шунингдек, 5-9-синф дастури асосида академик лицейлар учун ҳам тестлар тузилди.

Яна бир гап. Тест натижалари белгиланган тартибга биноан аппеляция қилинмайди. Шу муносабат билан марказимиз талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомга аниқлик киритишни таклиф этмоқда. Унга кўра, тест ўтказилаётган куни абитуриент тест саволининг бирортасига эътироз билдирса ва ўз эътирозини исботлай олса, ўша вақтда аудитория раҳбари ва марказ вакили томонидан абитуриент эътирози тўғрисида махсус далолатнома тўлдирилади. Далолатнома гуруҳнинг жавоблар варақаларининг устига қўйилиб, жавоблар варақаси пакетига солиб бизга юборилади. Абитуриент тест саволига эътироз билдирган бўлса-да унга жавоб бериши шарт.

Долзарб мавзу

— Ҳозирда айрим абитуриентлар давлат тест маркази томонидан чиқарилган ахборотномаларни ёдлаш билан банд. Бу иқтидорли ёшларни эмас, балки иқтидорли "ёдловчиларни" танлаб олиш бўлиб қолмайдими?

— Йўқ. Чунки тест саволлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган йили ахборотномаларда 40 минг савол бор эди. Бу йилги саволлар 60 мингта, келаси йили 90 мингтага етади. Бунча саволни ёдлаб олишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса компьютер синов пайтида тестларни шундай тақсимлайдики, улар ахборотномадаги тартибда бўлмайди. Бизнинг ахборотномаларни чиқаришдан мақсадимиз абитуриентларга саволларни ёдлаб олиш имкониятини бериш эмас, балки синовга тайёрланишлари учун йўл-йўриқ кўрсатишдир. Улар шуни эсдан чиқармасликлари керакки, саволларни қуруқ ёдлаш эмас, ўқиш, ўрганиш, моҳиятига етиш уларни пировардида кўзланган мақсадга элтади.

Ахборотномалар ҳатто айрим мактаб ўқитувчиларига ўз малакаларини оширишларига ҳам ёрдам бермоқда. Чунки ўқувчи ахборотномадаги саволни берганда ўялиб қолмаслик учун ўқитувчи ўқишга, ўрганишга, изланишга мажбур бўлаяпти.

— Муҳсин Мўминович, тестни энг адолатли синов деяпмиз. Иложи бўлса шуни мисоллар билан тушунтириб берсангиз.

— Яшириб нима қиламиз: собиқ шўролар тузуми даврида энг яхши олий ўқув юртларига биринчи навбатда амалдорларнинг, пулдорларнинг фарзандлари кирар эди. Бу иш ҳаммамизнинг кўз олдимизда рўй бергани учун одамларда ишонч йўқолган. Шунинг учун баъзи ота-оналар ҳамон эскича кайфиятда юришибди. Аслида эса, ўқув тизими тест синовларига ўтгач вазият мутлақо ўзгарган. Буни исботлаш учун узоққа бориб юриш шарт эмас. Ўтган йили талабаликка қабул қилинган ёшларнинг 45 фоизини оддий ишчи ва деҳқонларнинг, 48 фоизини зиёлиларнинг фарзандлари ташкил этди. Бор-йўғи 7 фоиз талаба эса тадбиркор ва ишбилармонларнинг болаларидир. Бундан ташқари, тест марказимизга мамлакатимизнинг узоқ-узоқ қишлоқларида яшовчи оддий меҳнаткашлардан келаётган мактублар ҳам тестнинг адолатли усул эканлигини исботламоқда. Бу мактубларда ота-оналар фарзандлари ўз кучлари, билимлари билан ўқишга кирганини таъкидлаган ҳолда, шундай шароит яратиб берган Президентимизга ўз миннатдорликларини ҳам изҳор этишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп вариантли тест тизимининг қўлланиши турли минтақалардаги таълим аҳволини таҳлил этиш, фанлар бўйича дарс самарадорлигини баҳолаш, педагогларнинг малакасини, мактабларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиш даражасини аниқлаш учун беқиёс имконият яратди. Эндиликда тест натижаларининг таҳлили мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги педагогик жамоалар ва халқ таълими ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тест ўтказиш технологиясини такомиллаштириш, сифатли янги тестлар яратиш, тест ўтказиш маданиятини юксалтиришда бизга катта ёрдам бермоқда.

— Муҳсин Мўминович, мамлакатимизда тест синовлари жорий этилганига беш йил бўлди. Шу вақт мобайнида ўзига яраша қийинчиликлар, муаммолар ҳам пайдо бўлган бўлса керак?

— Албатта. Ҳар қандай яхши ташаббус ҳам ўзўзидан амалга ошавермайди. Билсангиз, дастлаб тестга ўтилганда жавоб варақалари қалам билан тўлдириларди. Бу одамларда ишончсизлик уйғотди. Шунинг учун ручка билан тўлдиришни жорий этдик. Бундан ташқари, мамлакатимизда сўнгги йилларда тарих, бошқа ижтимоий фанлар илмий асосда қайта яратилмоқда. Республикамизда миллий мафкура яратиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Буларнинг бари биздан тинимсиз изланишни, тест саволларини замонга мослаб ўзгартириб боришни талаб этмоқда.

Шу ўринда биз дуч келаётган яна бир муаммо ҳақида гапириб ўтсам. Баъзан паст балл тўплаб танловдан ўта олмаган абитуриентлар ўз жавоб варақаларини сохталаштириши ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, ўтган йили Жиззах вилояти Фориш туманидан Тошкент молия институтига ўқишга кириш учун келган абитуриент F. М. аслида 84,2 балл тўплаб танловдан ўта олмаган. Ва жавоб варақасидаги охирги рақамни ўзининг рухсатномасида ўзгартириб, 185,7 балл билан ўқишга кирган Жабборов Санжар Ўзҳонга тегишли варақага даъвогарлик қилган. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидан келган Абдумалик Эргашев ҳам ҳужжатларни шундай сохталаштириш билан шуғулланган.

Абитуриентни билимини аниқлайдиган ҳужжат жавоблар варақаси ҳисобланади. Шундай экан, ушбу варақани тўлдираётганда ҳар бир абитуриент масъулиятни ҳис қилмоғи керак. Токи юқоридагидек воқеалар яна юз бермасин.

Баъзи бир ота-оналар фарзандларингизни мен ўқишга киритиб қўяман деган айрим фирибгарларнинг тузоғига илинган ҳоллар ҳам учрамоқда. Бундай ота-оналарга битта гапни айтиб қўйишим керак: тест энг мукаммал синов ва унга ҳеч ким, ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди. Шундай экан, фарзандларингиз фақат ўзига, ўз билимига ишонсин.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди. (ЎзА).

XXI АСР ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

ТАЛАБА — ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ОЛИМ

«Бугунги кунда жамиятни янгилаш борасида олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эришишимиз, ислоҳотларнинг самараси ва тақдири энг аввало, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрларни тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ». Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўқкизинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги бу сўзлар кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур қабул қилинганидан кейин республикамизда олий таълим тизимини кенг миқёсда ислоҳ қилишнинг асоси бўлиб қолди.

Таълим сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларини муайян фактлар тасдиқлаб турибди. Бундай фактлардан бири — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети иккинчи курс талабаси Тоҳир Абдуқодировнинг Россия ёш олимларининг политехника жамияти аъзолигига сайлангани ҳақидаги хушхабардир. Бу жамиятга аъзо бўлиш жуда фахрли бўлиб, фан ривожига қўшилган улкан хизматлар эътирофи ҳисобланади.

Ўзбекистонлик талабанинг илм соҳасидаги ютуқлари унинг Н. Бауман номидаги Москва давлат техника университетида бўлиб ўтган ёш олимларнинг "Келажакка ташланган қадам" халқаро конференциясида қилган маърузасида баён қилинди. Унинг мавзуси математик усулларни табиатшуносликдаги айрим масалаларни ҳал этишда қўлланишга оиддир. Конференцияда иштирок этган машҳур математик олим, Россия Фанлар академияси академиги Г. Марчук тошкентлик талабанинг масалага ёндашувини, илмий тадқиқотнинг теранлигини юксак баҳолади.

Тоҳир Абдуқодиров энди бу маърузасини янаги йил Белгияда бўладиган Европа иттифоқи комиссиясининг Европа таълим жамғармаси халқаро конференциясида такрорлайди. У Мазкур нуфузли анжуманда Ўзбекистоннинг ёш олимлари авлоди вакили сифатида иштирок этади.

Бундан атиги икки йил муқаддам Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига ўқишга кирган ёш математик истеъдодининг ривожланишига профессор Х. Латипов раҳбарлик қилаётган олий математика кафедраси ўқитувчилари катта ҳисса қўшди. Т. Абдуқодиров кафедрадаги доимий илмий семинарнинг энг фаол қатнашчиларидан бўлиб, республикамизда ўтказилган бир қанча талабалар олимпиадаларининг совриндори ҳамдир. Ёш тадқиқотчининг илмга ташналиги, мақсадга эришиш йўлида собитлиги унинг жаҳонда юксак нуфузга эга бўлган Ўзбекистон математика фани анъаналарининг муносиб давомчиси бўлишига умид уйғотади.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Тадбиркорлик — иқтисодиётимиз келажаги

СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Илҳом Абдураҳмонов (чапда) ва уста Шокарим Дўстматовлар конвейердан тушаётган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар; илғор оператор Неля Сергеева иш устида.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ҒИШТ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

ИЛҲОМ ака Абдураҳмонов Пскент тумани ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарларга хусусий ғишт заводи барпо этиш нияти борлигини айтганида уни тўла қўллаб-қувватлашди. Туман учун шундай корхона жуда зарур эди. Мустақиллик йилларидаги дастлабки қийинчиликлар бартараф этилиб, иқтисодиёт барқарорлашаётган, ижтимоий ҳаёт юксалаётган даврда унинг маҳсулотларига талаб ортиб боради.

Бунинг учун, аввало, ғишт тайёрлаш учун лозим таркибдаги тупроқни топиш керак эди. Айниқса, унинг тузи бўлмаслиги, бўлганида ҳам жуда кам миқдорда бўлиши керак эди. Туманда эса бундай жойлар бор бўлса ҳам уларни топиш, заҳираларини аниқ билиш ва шунга қараб ишга киришиш керак эди. Тадбиркор мутахассислар билан ҳамкорликда шундай тупроқ майдонларини топди.

Шундан кейин корхонанинг ўзини барпо этишга киришди. Яна мутахассислар билан маслаҳатлашиб Болгария технологиясини жорий қилишда тўхтади. Бу технология тупроқ таркиби учун жуда мос эди. Зарур асбоб-ускуналар ҳам келтирилди. Бобур номи билан аталаётган бу хусусий ғишт заводи бир неча йилдан бери маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Кейинчалик корхонада оқ ғишт тайёрлаш технологияси ҳам жорий қилинди. Вилоятимизнинг шаҳарлари ва туманларида миллий меъморчилик анъаналари асосида қад кўтарган қатор иншоотлар ва иморатлар шу ғишт ишлатилганлиги учун кўркам ва жозибали бўлиб, ён-атрофига файз киритиб турипти.

Маҳсулот сифати ҳам юқори бўлмоқда. Шунинг учун ҳам унга хорижий харидорлар ҳам топилди. У чет элликлар билан ҳамкорликда барпо этилган қатор қўшма корхоналарда ишлатилди. Хусусан, Жанубий Корея билан ишга туширилган "Кобил — Тўйтепа — Текстиль", "Ойдин — Луиза" қўшма корхоналари буюртмалари бажарилди. Шу мамлакатнинг элчихонаси қурилишида ҳам фойдаланилди. Уларга юз мингтадан ортиқ пардоз ғишти етказиб берилди. Сифатли бу ғиштни харид қилиш истагини билдирганлар сафи кўпайиб бормоқда.

— Ҳозирча барча харидорларнинг талабини қондиролмаймиз, — деди афсусланиб хусусий ғишт заводи раҳбари Илҳом ака Абдураҳмонов. — Бунинг учун имкониятимиз йўқ. Оқ ғиштни ишлаб чиқаришда чекланганмиз. Лекин, жамоамизга мўмай даромад келтирувчи бундай қурилиш материалини иложи борича кўпайтириш ва барча талабларни қондириш учун зарур чора-тадбирларни кўришга интиламиз.

Корхона жамоаси ҳозирги вақтда уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Оқ ғиштдан ташқари оддий пишиқ ва ҳом ғишт ҳам тайёрламоқда. Харидорлар истаган турни харид қилишлари мумкин. Бу айниқса, якка тартибда уй-жой қурувчилар учун қўл келяпти.

Жорий йилда жамоанинг меҳнат натижалари дуруст бўлмоқда. Ўтган сал кам ярим йил давомида буюртмачиларга миллионтадан ортиқ қурилиш материали етказиб берилди. Пскент туманидаги кўплаб турар-жойлар ва маъмурий биноларда уларнинг ҳам улушлари бор. Бу кам сонли байналмилал жамоада фахрланиш туйғусини кучайтирмоқда. Айни вақтда уларни ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишлашга ундамоқда. Шу туфайли жамоанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўхтовсиз ортиб бораяпти.

Собир МАҲМУДОВ.

ТЕХНИКА АНГИЛИКЛАРИ

❁ ГЕРМАНИЯНИНГ автомобиль ишлаб чиқарувчи "Фолксваген" компанияси яна Босния пойтахти — Сараевода ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Югославияда юз берган нотинчликлар сабаб "Фолксваген"нинг бу ердаги заводлари вақтинча ёпиб қўйилган эди. Маълумки, компания 1972 йилдан буён мазкур мамлакатда фаолият кўрсатиб келади. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилган "Голф" русумли енгил автомобиль ва "Кадди" русумидаги юк ташувчи машина харидорлар эътиборини қозонган эди. Бундан буён "Фолксваген"нинг Босниядаги бўлими дастлаб йилига 10 мингта автомобиль ишлаб чиқаради. Кейинчалик эса бу кўрсаткични 30 мингтага етказиш режалаштирилмоқда.

❁ "АУДИ" фирмаси ишлаб чиқараётган қимматбаҳо машиналар қаторига яна бир автомобиль қўшилди. "Хорьх" русумли бу машина ташқи кўриниши ва ички безаклари жиҳатидан 30 йилларда дунёнинг энг яхши автомобиллари сирасига киради. Лекин иккинчи жаҳон урушидан сўнг уни ишлаб чиқариш тўхтатилган эди.

❁ "БМВ" концерни ишлаб чиқарган автомобиллар бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатлари бозорларини қамраб олмоқда. 1997 йилда концернинг йиллик айланма маблағи 60,13 миллиард маркага етди. Бу режада белгиланганидан 15 фоиз зиёд демакдир. Жорий йилда концерн ўз маҳсулотларини кўпроқ Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига экспорт қилиш ниятида. Чунки "БМВ" концернига кейинги пайтларда ушбу минтақа мамлакатларидан келаётган буюртмалар сони тобора ошиб бораётир. Шунингдек, Шимолий Америка ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида ҳам "БМВ" тамғаси туширилган ихчам, қулай, шинам ва кучли автомобилларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда.

(ЎзА).

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг ярим йиллик иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари А. АЗИЗХЎЖАЕВ бошқарди.

Йиғилишда Фанлар академияси президенти Т. Жўраев, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев, Фан ва техника давлат қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев, Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, Маданият ишлари вазири Х. Жўраевнинг ҳисоботлари тингланди.

Сўзга чиққанлар ўтган олти ой мобайнида мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, идора, ташкилот ва муассасаларда муайян ижобий силжишга эришилганини қайд этдилар. Жумладан, соғлиқни сақлаш вазирлигида республикада эпидемиологик мувозанатни сақлаб туриш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жойларда давлат тили тўғрисидаги қонуннинг тўла бажарилишига етарли эътибор берилмаётир. "Ўзбектуризм" миллий компанияси мамлакатимизда сайёҳлик тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда, соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўймоқда. Фанлар академияси илм-фанни ривожлантириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва халқ хўжалигида жорий этишда сезиларли самарага эриша олмаётир. Тарих мавзуида баъзи олимлар ёқлаётган диссертациялар мустақиллик ва замон талаби даражасида эмас.

Йиғилишда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса раҳбарларига зиммага юклатилган иш учун масъулиятни кучайтириш, талабчанликни ошириш, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг изчил бажарилишига эришиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон қўшиқ байрами олдидан

ХАЛҚ ИСТЕЪДОДЛАРИ ТАНЛОВИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби маданият ишлари вазирлигида ҳам Ўзбекистон қўшиқ байрамига тайёргарлик қизғин бормоқда. Вазирлик тизимида қўшиқ байрами олдидан кўрик-танловлар юксак савияда ўтганлиги шундан далолат бериб турибди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан минглаб истеъдод эгалари иштирок этди. Она Ватанни, озод диёрни, бунёдкор халқ бахту иқболини тараннум этувчи ўнлаб янги қўшиқлар вужудга келди. Уларни яратишда етук санъаткорлар билан бир қаторда ҳаваскорлар ҳам қатнашди.

Кўрик-танловнинг якунловчи босқичи Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ўтди. Унда маданият уйлари, мусиқа мактаблари, корхоналар бадиий ҳаваскорлик жамоалари, халқ дасталарининг икки юздан ортиқ қатнашчиси маҳорат синовида иштирок этди. Тадбир якунига кўра Жиззах шаҳар маданият уйи қатнашчиси Лариса Москалева Ҳамид Олимжон шеъриятига басталанган "Ўлкам" қўшиғи ижроси учун биринчи ўринга сазовор бўлди. У мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Ўзбекистон қўшиқ байрамида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Галла — 98

ТУНГИ ЧИРОҚЛАР



АСОСИЙ майдонлардаги ғаллани саранжомлаб олган деҳқонларнинг кўнгли жойига тушди. Хирмонлар савлати қалбларни қувонтирмоқда. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 43 центнердан, лалми ерлардан эса 12 центнердан ҳосил олинди.

Паркент туманидаги "Навбаҳор" деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасидаги 640 гектар ғаллазорни 50 дан ортиқ оилавий пудратчиларга бўлиб берилгани ва ғаллачиликдаги ишлар ўзаро шартнома асосида ташкил қилингани хирмонни баракали қилди. Ҳосилнинг асосий қисми ўз омборига тушишини, даромаднинг мўмай бўлишини ҳис қилган деҳқон йилнинг тўққиз ойи давомида даласидан чиқмай, экиннинг суви ва озуқасидан вақтида баҳобар бўлиб, қиёмига етказиб ишлов бергани сабабли ҳосили мўл бўлди. Энди миришкорлар асосий майдонлардаги ғаллани ўриб-янчиб бўлиб, сўнгги гектарларда ишни поёнига етказишяпти. Комбайнлар кеча-кундуз ишлатилмоқда. Биз уюшма раиси Турғунбой ака Раҳматуллаевни айнан тунда ғалла ўраётган комбайнчиларнинг ҳузурида учратдик. Раис уларнинг иши билан танишиб, "ҳорма-бор бўл", қилиб юрган экан.

— Туннинг салқинида ишлашнинг завқи бошқача бўлади, — дейди у, — иссиқ толиқтириб қўймайди. Ўрим унумли боради. Масалан, мана, Ҳусниддин Гемалиддинов ва Жамол Умурзоқовлар. Бу комбайнчиларнинг ҳар бири ҳозиргача 200 тоннадан ошириб ғалла янчиб беришди.

Хўжаликнинг сўнгги ғалла майдонларида ўрим-йиғим қизғин давом этяпти. Эрта-индин ғаллакорлар асосий юмушларини тугатиб, мавсумга якун ясайдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Уюшма ҳайдовчилари Қўчқор Бозорбоев ва Музаффар Мирхаитов. 2. Уюшма раиси Турғунбой Раҳматуллаев ва бригада бошлиғи Довуд Шерматов комбайнчилар ишини текширмоқдалар. 3. Комбайнчи Ҳусниддин Гемалиддинов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТАРТИББУЗАР ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ, АММО...

Республикамиз, хусусан, вилоятимиз далаларида деҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл ҳосил етилди. Лекин, афсуски, унинг бир қисми айрим кишиларнинг бепарволиги оқибатида пайкалнинг ўзида нобуд бўлмоқда. Бир қисми эса ҳосилни ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш пайтида йўқотиляпти. Инсоф ва диёнатни унутиб қўйган баъзи кимсаларнинг эса бу холга юраклари ачишмаяпти. Нобуд бўлса, менга нима, зарарни давлат қоплар, деган ўй билан эл ризқига чанг солишяпти.

Шунинг учун ҳам ғалла, пахта ва бошқа экинларнинг пайхон этилиши, ҳосилнинг йўқотилишига қарши милиция ходимлари қатъий кураш олиб бормоқдалар. Биз вилоят Ички ишлар бош бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Убайдулло АБДУЛЛАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

Қарор ва ижро

ДАРҲАҚИҚАТ вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон этилишидан ҳар йили катта миқдорда зарар кўриляпти. Бу қишлоқда яшовчи баъзи бир кишиларнинг лоқайдлиги, бепарволиги туфайли содир бўлаётир. Келтирилаётган зарар нафақат давлатга, жамоага, қолаверса, бутун жамиятга салбий таъсир этишини тушунмаётирлар.

Ўзингиз ўйланг, жамоа хўжалиги давлатга ғалла, пахта топшириш режасини бажарса, қўшимча ҳосил омборларга, хонадонларга келиб тушса, қандай яхши. Олинган даромаддан қишлоқлар ободонлашади. Аҳолига қулайликлар яратилади. Одамларнинг фаровонлиги ортади.

Шунинг учун ҳам Республика Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 25 ноябрида "Қишлоқ хўжалиги экинларини пайхон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилган эди.

Бошқармамиз шахсий таркиби томонидан қарор ижросини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Эрта баҳордан ана шу тадбирларга мувофиқ иш олиб боряпмиз. Фаолиятимиз самарали бўлиши учун пайкалдаги ғалла майсаси бўй кўрсатиши биланоқ у ерга махсус кишилар тайинладик.

— Қонунбузарликлар кўп учрадими?

— Очиғини айтганда, тартиббузарларга қарши ҳаммамиз, ҳар биримиз мустаҳкам тўсиқ қўймасак, улар тўхтовсиз юз бериши муқаррар.

Ўтган муддат ичида ходимларимиз 199 жойда ғалланинг пайҳон қилинганлигини аниқладилар. Ҳисоб-китобларга қараганда, 27 гектар ердаги ғалла нобуд бўлибди. Биз ғаллани молга едириб, ризқ-рўзимизни қирққан 202 та шахсга нисбатан ҳужжатлар тўплаб, чора кўриш учун тегишли идораларга жўнатдик.

Тўғри, тартиббузарлар жазоларини олишди. Аммо, кишини бошқа нарса ўйлантиради. Наҳотки, ҳар бир нарса учун милиция ходими аралашиши керак! Маҳалла-кўй, кўни-қўшни, жамоатчи вакиллар қаерда қолишди? Қачонгача улар нохуш нарсаларни кўриб, ўзларини кўрмаганга олишади.

Ўз манфаатини умумжамият манфаатидан устун қўядиганларга қарши ҳамма жиддий курашганда эди, вилоятимиз деҳқонлари яратган хирмон бундан ҳам улкан бўлишлиги шубҳасиз эди.

— Ҳа демай пахта терими бошланади. Ҳамма ерда мўл ҳосил тўплаш, уни йиғиштириб олишда нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун ички ишлар ходимлари яна қандай ишларни амалга оширишяпти?

— Пахтазорларни моллар пайҳон қилмаслигини таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан "Пахта-98" деб номланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ далалар мунтазам назоратдан ўтказиляпти. Кузатув чоғида ғўзаларни нобуд қилган 10 та ҳолат аниқланди. Натижада, 10 нафар фуқарога жарима солинди. Масалан, Юқоричирчик туманидаги "Гулистон" хўжалиги аъзоси Камол Бойтурсуновга қарашли иккита қора мол хўжаликдаги 10 сотих ғўза ниҳолларини пайҳон қилган чоғда милиция ходимлари молларни тутиб олдилар.

Бошқа бир мисол. Оққўрғон туманидаги "Гулистон" хўжалигида яшовчи Акбар Убайдуллаевнинг қора моли 0,05 гектар ердаги ғўзани еб битирибди. Убайдуллаевга жарима солинди. Аммо, йўқотилган ҳосилнинг ўрнини тўлдириб бўлармиди?

Наҳотки, Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон" ширкатлар бирлашмасида истиқомат қилувчи Абдураҳим Примовнинг 2 бош қорамоли 10 сотих ердаги ғўзани еб битирмагунча бирорта одам уларни кўрмади? Аммо, лоқайдлик касалига мубтало бўлганлар қоидабузарнинг танобини тортиб қўйиш ўрнига милиция ходими келишини кутишган.

Бошқармамиз ходимлари пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш чора-тадбирларини ҳам кўришяпти. Шу мақсадда йиғим-теримда қатнашадиган техника воситаларини мавсумга пухта созланиши устидан назорат ўрнатишди. Бундан ташқари теримчилар, ҳашарчиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш, қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводларида техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тез-тез текширувлар ўтказиляпти. Йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни тезда бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

— Бошқарма шахсий таркибининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлашдир. Асосий ишга юқоридаги тадбирлар халақит бермаяптими?

— Ҳосилни сақлаб қолиш ҳам, ташмачиларни, ўғри, муттаҳам, безориларнинг танобини тортиб қўйиш ҳам аслида жамоат тартибини сақлашга киради. Бизнинг ниятимиз ҳамма жойда қонунбузарлик, ҳуқуқбузарлик барҳам топиб, одамлар тинч бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлсин, деймиз. Ходимларимизнинг куч-ғайратлари туфайли жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар 32 тага, жамоат жойида содир бўлган жиноятлар 61 тага камайди.

Аммо, юқорида айтганимиздек, фақат милициянинг кучи билан жиноятчилик ва қонунбузарликка бутунлай чек қўйиб бўлмайди. Бунинг учун фуқаролар бизга ҳар доим ёрдам беришлари зарур. Зотан жамоатчилик катта куч. Агар бу куч милиция ходимлари куч-ғайрати билан бирлашса самара кўнгилдагидек бўлади.

Суҳбатдош Каримжон РИХСИЕВ.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Тошкент вилоятининг бир гуруҳ хотин-қизлари Хоразм ва Бухоро вилоятлари бўйлаб сафарда бўлиб қайтдилар

ЮРГАН дарё, дейдилар... Сафаримиз Хоразм вилоятидан бошланди. Кўҳна вилоятнинг қайси бир бурчаги, қайси бир гўшасида бўлмайлик, энг аввало, бу юрт кишиларидаги самимийлик, меҳр, иликлик, энг муҳими, меҳмонларга катта ҳурмат-эҳтиром гувоҳи бўлдик.

Хоразмнинг меҳнаткаш кишилари ҳақида сўз кетар экан, юртбошимизнинг хоразмликлар ҳақидаги дил сўзлари бот-бот ёдимизга тушди: "...Бошқалар ҳафа бўлмасину мен ўзбек деҳқони деб айтганда, энг аввало, шундай оғир шароитда, ҳали қиш заҳри кетмаган бир пайтда ернинг шўрини ювиётган хоразмлик инсонларни тасаввур қиламан.

Шундай тажрибали, сабр-тоқатли, каноатли инсонларимиз бор экан, мен қаттиқ ишонаманки, бизнинг барча ишларимиз, албатта, олга кетади. Биз, албатта, кўзланган мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга етишамиз".

Бу самимий дил сўзлари воҳа тадбиркор, ишбилармон, фидойи хотин-қизларига ҳам берилган муносиб таъриф эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Дастлаб бўлганимиз Хазорасп тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Юсупова бошчилигида туманда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишлари, тадбиркорлик билан танишдик. Қийин обҳаво шароитида мардонавор меҳнат эвазига етиштирилган бўлиқ ғалла майдонлари, "оқ олтин" пайкалларида хоразмлик аёллар меҳринг қайноқ тафтлари бор. Питнак шаҳридаги "Мерседес" ишлаб чиқарувчи завод довруғи бугунги кунда, нафақат республикамизда, балки, ҳорижда ҳам машҳур. Урганч шаҳридаги "Феруз" ҳиссадорлик жамияти иш фаолияти билан танишар эканмиз, бу ердаги кўплаб янгиликлар, ижобий ўзгаришлар, хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитлар бизни қувонтирди. 350 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонага ёш тадбиркор Клара Жумамуродова раҳбар бўлиб келгач, ишлар юришиб кетибди. Корхона қисқа муддат ичида 38 миллионлик қарзидан узилиб, фойда олувчи корхонага айланди. Асосан аёллар, болалар учун кийим-бошлар, эркаклар учун коржомалар ишлаб чиқарувчи бу корхонада меҳнат қилувчи аёллар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган, уларнинг саломатликлари муҳофазага олинган экан. Шунингдек, Хивадаги гилам фабрикасида бўлган делегация аъзолари ҳам бу ерда кўзи қамаштирувчи Хива гиламлари, уларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Албатта, вилоят бўйлаб сафаримиз ҳақида гапирганда унинг тарихий обидалари, бой маданий мероси ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиздир. Сафаримизнинг иккинчи куни афсонавий ва кўҳна Хива билан танишдик. Бу шаҳар 2500 йиллиги муносабати билан олиб борилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари туфайли яна ҳам салобатли ва ҳайратланарли қиёфа кашф этган. Бебаҳо тарихимиз, бой ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи Ичан қалъа, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Калта минор, Хон саройлари, Карвонсарой, бу ердаги буюк аждодларимиз мақбаралари кишида ҳаяжон уйғотади. Буюк Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аз-Замаҳшарий каби аждодларимиз руҳи-поклари бизларни доимо қўлласин, дея илтижолар қилдик. Тасаввуф оламида Валийтарош номи билан машҳур бўлган буюк шайх Нажмиддин Кубро, нафақат, Хоразмда, балки, бутун Шарқда маълум ва машҳурдир. Бу муборак зотнинг волидаи маҳтарамалари Бибиҳожар онамизнинг Хива тумани Саёт қишлоғидаги мақбараларини зиёрат қилишдек бахт бизга ҳам насиб этганлиги учун Аллоҳга шукроналар айтдик.

Хоразм бўйлаб уч кунлик сафаримиз ниҳоялаб, кўпдан-кўп маълумот ва таассуротлар билан қайтар эканмиз, биз билан доимий бирга бўлган, сафаримизнинг мазмунли ва фойдали ўтишини ташкиллаштирган Хоразм вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Абдуллаевага миннатдорчилик билдирдик ва ўз ўрнида бундай ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканлигимизни айтиб, уларни вилоятимизга таклиф этдик.

Дастуримизга кўра навбатдаги йўналиш Бухоро вилояти бўлди. Сафаримиз давомида Олот, Пешку, Бухоро туманларида бўлдик. Бу туманлар меҳнаткашларининг мустақиллик йилларида қўлга киритаётган ютуқларидан воқиф бўлиш баробарида уларнинг ўзларига хос урф-одатлари, удумлари билан ҳам танишдик.

Бухоро дунёдаги еттита муқаддас шаҳарлардан бири бўлиб, Бухорои Шариф деб номланганлиги ҳам фахрлидир. Минг йиллик ўтмишимиздан сўзловчи бебаҳо тарихий обидаларни зиёрат қилар эканмиз, муқаддас қадамжоларга таъзим қилдик. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд, бу улуғ зотнинг оналари Биби Орифа, Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба қабрларини, Ҳожа Кобули Ахбор Валий, Сайид Амир Кулол, Ҳазрат ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний мақбараларини тавоф этдик. Муқаддас зиёратгоҳларда руҳимиз тетиклашиб, қалбларимиз тиниқлашгандек ҳис қилдик ўзимизни.

Албатта, Бухорои Шарифда бўлган киши Бухоронинг меъморий ёдгорликлари, Арк, Ситораи Моҳи Хосани кўрмай қайтмайди. Айниқса, "Ой, юлдузлар орасидаги сарой" деб номланган Ситора Моҳи Хоса мажмуига кирувчи гўзал санъат обидалари қаршисида ҳайратланиб, лол қолдик.

Умуман, сафар қатнашчилар учун катта таассуротларга бой бўлди. Ҳар бир иштирокчи кўрган, билган, ўрганганларини ўз амалий иш фаолиятида жорий қилишни дилига жо қилиб қайтди. Шунингдек, бундай имкониятни яратган ва ташкиллаштиришда бош бўлган республика хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитасига, шунингдек, Хоразм ва Бухоро вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарига миннатдорчилик билдирган ҳолда Тошкентга йўл олар эканмиз, бир неча кун мобайнида дилга, кўнгилга яқин бўлиб қолган Хоразм ва Бухоронинг фаол аёлларини Тошкент вилоятига таклиф этдик.

Тошкент заминида кўришгунча, қадрдонлар!

Зулҳумор ЖЎРАЕВА, Тошкент — Хоразм— Бухоро — Тошкент.

Суратда: хотин-қизларнинг Хоразм ва Бухоро вилоятларига сафаридан лавҳалар.

Халқаро ҳаёт

► ВИНДХУК. Нигериядаги етакчи мухолиф ташкилот — миллий демократик коалиция раҳбарлари мамлакат ҳукумати миллий бирлик асосида тузилган тақдирдагина мавжуд сиёсий инқироздан чиқиш мумкин, деб баёнот берди.

Маълумки, 1993 йилда Нигерияда ҳокимиятни ҳарбийлар қўлидан фуқаролар ихтиёрига ўтказиш учун бўлган сайлов натижаларининг бекор қилиниши билан сиёсий курашлар авж олган эди. Шундан сўнг ҳарбийлар бир неча бор янгидан сайлов ўтказиш ваъдасини берган бўлса-да, у амалда ўз ифодасини топмади.

Ўтган июнь ойи ойида ҳарбийлар етакчиси Сани Абача вафот этди. Нигериядаги бундан кейинги сиёсий вазият унинг ўрнини эгаллаган генерал Абдусалом Абубакр тутадиган йўлга боғлиқ бўлиб қолди.

► НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Камбоджадаги парламент сайловларига тайёргарлик жараёнида мухолифатнинг оммавий ахборот воситаларидан лозим даражада фойдаланишига тўсқинликлар бўлаётганидан ташвиш билдирди.

Маълумки, шу йилнинг 26 июлига белгиланган парламент сайловлари БМТ раҳнамолигида ўтказилмоқда. Сайловнинг қандай ўтишини назорат қилиш учун халқаро кузатувчилар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига 34 мамлакатдан 700 вакил киритилган.

► САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. Россиянинг сўнгги императори бўлмиш Романов ва унинг қариндошлари ҳоки Петропавловскдаги Авлиё Пётр ва Павел ибодатхонасига қўйилди.

Дафн маросимида рафиқаси билан бирга иштирок этган Россия Президенти Борис Ельцин ушбу кун Россия учун тарихий воқеа бўлганини айтди. Маълумки, дастлаб оммавий ахборот воситаларида Россия раҳбарининг ушбу дафн маросимида қатнашмаслиги тўғрисида хабар тарқатилган эди.

"Екатеренбург фожиаси учун жавобгарлик маълум маънода барчамизга дахлдордир, шунинг учун мен ҳам оддий инсон, ҳам давлат раҳбари сифатида ушбу маросимда қатнашишим шарт эди", деди Б. Ельцин.

► ПАРИЖ. Франция президенти Жак Ширак Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича барча алоқадор томонлар иштирокида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Сурияга расмий ташриф буюрган Жак Ширак президент Ҳофиз Асад билан учрашуви чоғида шундай фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, ушбу анжуман мазкур ҳудудда тинчлик ўрнатилиши учун белгиланган асосий тамойилларни, шу кунгача қабул қилинган жамики қарорларнинг сўзсиз бажарилиши зарурлигини яна бир карра ўртага қўндаланг қўймоғи лозим.

► ТОКИО. Япония ташқи ишлар вазири Кэйдзо Обути мамлакатда бош вазир лавозими учун 24 июль куни бўлажак сайловга ўз номзодини қўйишини маълум қилди.

Журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда либерал-демократлар партиясининг йирик гуруҳ етакчиси саналмиш К. Обути ғолибликни қўлга киритиш учун бор имкониятларни ишга солажагини таъкидлади.

Бош вазир бўлиш К. Обути учун осон кечмаслиги турган гап. Чунки, номзодлар орасида либерал-демократлар партиясининг обрўли вакилларидан бири Сэйроку Кадзияма ҳам бор. Шунингдек, собиқ бош вазир ўринбосари Хироси Мицудзуки тарафдорлари ҳам ўз гуруҳларидан номзод кўрсатиш ҳаракатида. Лекин, асосий кураш Р. Обути ва С. Кадзияма ўртасида бориши аниқ, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

(ЎзА).

1998 йил — Оила йили

Бўка туманида истиқомат қилувчи Эсонбой Нишоновлар оиласини тумандаги намунали оилалардан бири сифатида кўпчилик яхши билади. Эсонбой ака умр йўлдоши Умри Мустафоқулова билан 4 фарзандни тарбиялаб воягa етказишди. Улар ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишаяпти. Эсонбой ака ва Умри опа ўнта неваранинг севимли бобоси ва бувижониси бўлиб, фарзандлари даврасида бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЭЛЧИХОНАДА МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Миср Араб Республикаси элчихонасининг пойтахтдаги фан ва таълим марказида Ўзбекистон ёш рассомларининг кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон бадиий академияси ёш мусаввирлари ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ижодига мансуб рангтасвир, графика ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Институтнинг бир гуруҳ талабалари ўтган йили Миср Араб Республикасига ижодий сафар қилган эди. Улар қарийб бир ой давомида Миср халқи ҳаёти, тарихи, маданияти, санъати билан танишиб, тассуротларини ўзлари яратган асарларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон ёш рассомларининг Миср Араб Республикаси миллий байрами арафасида ташкил этилган кўргазмаси очилишида таниқли рассомлар, санъатшунослар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, элчилар иштирок этди. Йиғилганларда, айниқса, Миродил Ёқубов, Бахтиёр Ризабоев, Алишер Эргашев, Бахтиёр Обидов, Содиқ Ёқубов каби ёш рассомларнинг Ўзбекистон ва Миср ҳаётидан олинган рангбаранг асарлари катта қизиқиш уйғотди.

Маросимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий, Мустафо Комил, Ўзбекистон бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев сўзга чиқиб, иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтиришда ёш ижодкорларнинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидладилар.

М. ОДИЛОВА, (ЎзА).

ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Москвада 135 давлатдан етти мингдан зиёд ёш спортчи иштирок этган биринчи жаҳон ўсмирлар ўйинлари ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистондан 110 йигит ва қиз иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги бундай катта халқаро мусобақада илк бор қатнашди.

Ўзбекистонлик ёш спортчилар халқаро мусобақаларда иштирок этиб, тажриба орттирган рақиблар билан беллашувда ўнта медални қўлга киритди. Полвонларимиз мусобақани бошқа турдаги спортчилардан ҳам муваффақиятлироқ якунланди.

52 килограмм вазнли спортчилар орасида Дилшод Мансуров эркин кураш бўйича энг яхши натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди. Финалда Россиянинг эркин кураш бўйича биринчилигида бир неча бор ғолиб чиққан ва совринларни қўлга киритган спортчиси Сослан Абаев билан беллашган Жаҳонгир Абдураҳмонов кумуш медални олишга муваффақ бўлди. Эркин кураш бўйича Арзамац Жабиев, Хуршид Холдоров ва Жамшид Саидов бронза медалини олди.

Юнонча-римча курашда ўзбекистонлик икки йигитимиз бронза медалини қўлга киритди. Савретдин Наврўзов кумуш, Денис Здориков бронза медали билан тақдирланди.

Дзюдо бўйича мусобақаларда 70 мамлакатдан 432 спортчи иштирок этди. Улар ўртасида биринчилик учун кураш жуда қаттиқ давом этди. Шунга қарамай, ўзбекистонлик Руслан Эргашев финалга чиқиб, кумуш медални қўлга киритди.

Стол тенниси бўйича мусобақаларда ўзбек спортчиларининг кўрсатган натижалари мутахассислар учун кутилмаган воқеа бўлди. Саида Бурхонхўжаева билан Манзура Иноятова жуфтлик мусобақаларда бронза медалини қўлга киритди. Ирода Тўлаганова билан Луиза Биктякова ҳам катта теннис мусобақаларидаги жуфтликлар учрашувида бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон полвонлар уюшмаси раиси Аҳрол Рўзиев ўзбекистонлик полвонларнинг биринчи жаҳон ўсмирлар ўйинларидаги ютуқларини шарҳлаб, эркин ва юнонча-римча курашни ривожлантиришга анъанавий равишда жиддий эътибор берилаётган республикамизда полвонларга муносиб ўринбосарлар етишаётганини таъкидлади.

Хуллас, ёш спортчиларимиз ҳали кўп мусобақаларда иштирок этади. Жаҳон ўсмирлар ўйинлари эса, улар учун спорт, дўстлик ва аҳиллик байрами бўлди.

(ЎзА).

ҲАЙДОВЧИ, ПИЁДА, ЙЎЛ

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

1998 йилги давлат техник кўрик жараёни ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Лекин, шунга қарамай, айрим автотранспорт эгалари техник кўрикдан ўтиш талабларини билмасликлари ёки совуққонликлари учун шу кунгача Давлат автомобил назорати бошқармаси ва жойлардаги бўлинмаларга келаётганлари йўқ. Бу эса ҳайдовчилар ва ДАН ходимлари учун ўзига хос муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Ана шу муаммолар хусусида биз Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси техника назорати бўлинмаси бошлиғи милиция майори Фахриддин ЗАЙНУДДИНОВ билан суҳбатлашдик.

— Фахриддин ака, транспорт воситаларининг носозлиги йўлларда содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлади. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, йиллик техникавий кўрик бу автомобиллар техник ҳолатини пухта текширувдан ўтказиш бўлиб қолмай, балки қанчадан-қанча бахтсизликларнинг олдини олиш кишилар саломатлиги, ҳатто, ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Чунки, носоз транспорт воситалари ҳамма вақт хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир транспорт воситаси йиллик техник кўрикдан ўтиши ва бунда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши шарт.

— Ҳозирги кунда вилоятда транспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтиши қандай аҳволда?

— Аввало шуни эслатиб ўтмоқчиманки, жорий йилда ишлаб чиқарилган йили жуфт бўлган ва қандайдир сабаблар билан аввалги йил ўтмай қолган транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмоқда. Бу йил 51 минг 210та шахсий автоуловлар ва 14 минг 550 та мототранспортларни йиллик давлат техник кўригидан ўтказиш режалаштирилган. Шу кунгача автоуловларнинг 58,64 фоизи ва мототранспортларнинг 61,33 фоизи йиллик техник кўрикдан ўтказилди. Техник кўрикдан ўтказиш тартиби ўзгаргани йўқ.

— Шахсий транспорт эгалари техник кўрикка автомашиналар билан биргаликда яна қандай ҳужжатларни ДАН ходимларига кўрсатишлари керак?

— Улар ўзлари билан паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, агар автоулов эгаси кела олмаса, унинг ўрнига вакил бўлган киши учун ишонч қоғози, транспортнинг техник паспорти, тиббий маълумотномани ДАН ходимларига тақдим этишлари зарур. Шу билан бирга техник кўрик даврида тўланиши керак бўлган тўловлар чиптаси ҳам бўлиши лозим.

— Тўловларда ўзгариш бўладими?

— Ҳа, тўловларда ўзгариш бўлган. Жумладан, барча турдаги автотранспортлар учун техник кўрикдан ўтказиш 110 сўм, тиркама ва мототранспортлар учун 55 сўм тўланади. Енгил автотранспортларнинг ҳар бир от кучидан 42 сўм 30 тийин, мотоцикллар учун 25 сўм 35 тийин ва юк ташувчи автоуловлар, автобус ва микроавтобуслар учун 84 сўм 40 тийин транспорт солиғи солиқ идораларига тўланади. Вилоятимиз шароитида бу солиқлар қишлоқ кенгашларига ҳам тўланиши мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, шахсий енгил автотранспортлар икки йилда бир маротаба техник кўрикдан ўтказилади. Автобус ва юк автомобиллари эса Тошкент вилояти ҳокимининг фармойиши билан ҳар йили техник кўрикдан ўтиши керак.

— Бу йилги техник кўрик даври ҳам ниҳоясига етиб қолди. Бу вақт ичида кўрикдан ўтмаган транспортларни бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?

— Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 125-моддасига биноан, ҳайдовчиларнинг давлат техника кўригидан ўтмаган, нозослиги бўлган транспорт воситаларини бошқаришлари энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Албатта, ортиқча ҳаражатлардан кўра ўз вақтида фурсатни ғаниматдан билиб, йиллик техник кўрикдан ўтган маъқул. Ўйлайманки, барча шахсий транспорт эгалари шундай фикрда бўлсалар керак.

Суҳбатдош: Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ.

НАЗОРАТ КУЧАЙМОҚДА

...ТОҲИР иккинчи марта қўлга тушди. Биринчи галда акциз маркасиз 3300 сўмлик сигареталарни сотиб ўтирганида, солиқчилар уни 3750 маъмурий жаримага тортган эдилар. Жазо Тоҳирга кор қилмади шекилли, яна акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини сотиб ўтирганида солиқчилар келиб қолишди.

Тузилган далолатнома бу гал қонун бўйича туман судига юборилди. Суд Тоҳир Абдураимовга 37 минг 500 сўм жарима солди.

Оққўрғон туманида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш юзасидан Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари қандай бажарилмоқда? Кейинги ойларда ўтказилган текширувлар давомида 22 ҳолатда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Пировардида, акциз маркасиз 29 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 11 минг 340 сўмлик спиртли ичимликларни мусодара қилишга тўғри келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 июлдаги 373-қарорига асосан маҳсулотларни турғун бўлмаган савдо шоҳобчаларида, бозорларда сотиш тақиқланган эди. Лекин, текширувлар давомида озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамон руҳсат этилмаган жойларда сотиш давом этаётганлиги маълум бўлмоқда. Шундай текширувларнинг бирида тадбиркор Муборак Турдиқуловнинг фаолияти тўхтатилди. У Оққўрғон шаҳар деҳқон бозорида бир қоп шакарни бемалол устама нарх билан пуллаб ўтирганида қўлга тушди ва 3750 сўм маъмурий жаримага тортилди. Яна шундай ҳол такрорланса, қонун бўйича далолатнома тергов органларига топширилиши аниқ.

Текширув давомида қонунбузар тадбиркорлардан 7625 сўмлик шакар, 2605 сўмлик "Елена" маргарини, жаъми салкам ўн минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди ва мусодара қилинди, ўзларига нисбатан эса белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилди.

Бугунги кунда туман фуқароларининг салкам 500 нафари қайта рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Кунлар исиган сари гувоҳнома олиш истагини билдирганлар сони ҳам кўпайиб бораяпти. Пишиқчилик бошланса, бозорлар тадбиркорлар билан янада гавжумлашиб кетади. Шунда ўзўзидан бюджет тушумлари ҳам анча кўпаяди.

Солиқчи фош этади

Ҳозир ҳам солиқчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан давлат бюджетининг даромад қисмини бойитиш юзасидан белгиланган башорат кўрсаткичлари туманда ойма-ой ортиғи билан адо этиб келиняпти. Ўтган тўрт ойда бюджетга мўлжалланганидан бир миллион 291 минг сўмлик кўп солиқлар ва мажбурий тўловлар ундирилди. Режа 103,7 фоизга адо этилди.

Кейинги кунларда аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш истагини билдирган фуқаролар сони анча кўпайиб 24 нафарга етди. Улар ўз енгил ва юк автомашиналари билан хизматга шай туришибди. Ҳар бир автотранспорт эгаси туман ҳокимлигидан руҳсатнома олган, белгиланган тўловларни тўлаб боришяпти.

Лекин, айрим автомашина эгалари қонун-қоидаларга зид иш тутмоқдалар. Яқинда туман солиқ нозирлиги ва давлат автомобиль назорати ходимлари иштирокида ўтказилган рейд давомида руҳсатномасиз киракашлик қилиб юрган 25 нафар фуқаро қўлга тушди. Улардан тўрт нафарига 15 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Қолган 21 нафар ҳайдовчи устидан тўпланган материаллар ҳам тегишли чора кўриш учун тақдим этилди.

Туманда рўйхатда турган ҳар бир хусусий автотранспорт воситаси ҳисобга олинган ва уларга нисбатан 1 миллион 310 минг сўм солиқ ҳисобланган. Солиқчилар ҳозир транспорт солиғининг бюджетга тўла ундириб олиш чораларини кўрмоқдалар.

Солиқчилар корхоналардаги мавжуд қарзларни тўла ундиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бугунги кунда туманда 555 та корхона ишлаб турибди. Уларнинг фаолияти ўтган ойларда 95 марта текширилди. Шундан 72 тасида турли ҳил қонунбузарликлар борлиги фош этилди.

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Бердиёр Саримсоқов ва Убайдулла Сариқулов Алимкент пахта тозалаш заводининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширганларида бухгалтерия ҳисоботи ойма-ой нотўғри тақдим этилганлигини пайқаб қолдилар. Бу ерда қўшилган қиймат солиғи нотўғри ҳисобланган экан. Текширув якунлари бўйича корхонага пеня ва жарима қўллашга тўғри келди.

Худди шундай ҳолат Оққўрғон пахта тозалаш заводида ҳам маълум бўлди. Бу ерда солиқ инспектори Ҳамид Қўшаевнинг ҳушёрлиги қўл келди. Пировардида ҳам иккала заводдан 19 миллион сўм пеня ва жарима ундириб олинди.

Текширилган бошқа корхоналарнинг 22 тасида раҳбарлар даромадни яширишга уринган эканлар. 88 нафар жавобгар шахсга нисбатан 285 минг 800 сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига туман корхоналаридаги боқиманда корхоналар, ташкилотлар 96 миллион 600 минг сўмни ташкил этарди. Бир ойда бу рақам атиги 20 миллион сўмга камайди. Солиқчилар хўжалик судига 18 та талабнома берган эдилар. Шундан сўнг асосий қарзлар боқимандалар — пахта тозалаш заводлари, автотранспорт корхонаси, "Акмал" хусусий фирмасидан ундириб олинди. Тайёрлов-савдо идораси ҳисоб-рақамида маблағ бўлмаганлиги учун қарзлар унинг мол-мулки ҳисобига қопланяпти.

Бундан буён солиқ ва мажбурий тўловларнинг яна ҳам тўла ундирилиши учун қўшимча имкониятлар пайдо бўляпти. "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ тумандаги мавжуд фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳудудий солиқ нозирлари иш бошладилар. Улар солиқ тўловчилар билан бевосита мулоқотда бўлиб, барча даромадлардан солиқларнинг тўла ундирилиши устида қайғуряптилар. Эндиликда даромадини яширувчилар қолмаса керак, чунки нозирлар кимнинг қандай яшаётганлигини кўриб-билиб турадилар.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича 22—26 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг биринчи ярмида ёғингарчилик бўлмайди. Иккинчи ярмида айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Секундига 7—12 метр тезликда Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб кейинчалик Ғарбдан эса бошлайди.

Ҳарорат кечалари 18—23, кундуз кунлари дастлаб 32—37 кейинчалик 30—35 даража иссиқ бўлади.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЯҚИНДА дадам билан Бўстонлиқ томонга дам олишга кетаётиб укам автомашинамиздан ниманидир ташқарига отиб юборди. Шу вақт бизни ДАН ходими тўхтатиб, дадамга нисбатан маъмурий баённома тузди. Шу тўғрими?

Нигора ОЛИМОВА, Тошкент тумани Кўксарой қишлоғи.

АВВАЛО, дуч келган жойга ахлат ташлаш одобахлоқдан бўлмаса керак. Энди сизнинг саволингизга жавоб берадиган бўлсак, бу борада Давлат автомобил назорати ходими тўғри ҳаракат қилган. Бу сафар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 123-моддасига асосан чора кўрилади. Ушбу моддага кўра, поездларнинг вагонлари, автомобил ва шаҳар электр транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

БУНДАН бир неча кун аввал йўлларда ҳаракатланиш ва транспортлар билан боғлиқ қонун-қоидаларга мутлақо қизиқмас эдим. Автомашина сотиб олдим-у, бу борада ўз билимимни оширишим керак бўлиб қолди. Чунки, ДАН бўлинмасига рўйхатга қўйиш учун борганимда автомашинамнинг ойнаси қорайтирилганлигини, бу эса мумкин эмаслиғини айтишди.

М. ИЛҲОМОВ, Оққўрғон тумани, фермер хўжалиги ишчиси.

БЕЛГИЛАНГАН қоидага биноан, кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида кўрсатилган нормаларни бузган ҳолда тайёрланган, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар худди шундай қонунбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Убайдулла ТУРСУНБОЕВ, Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи муовини, милиция капитани.

УЙҚУ УСТУНЛИК ҚИЛДИ

Фарғона вилояти Қува тумани Навоий номли жамоа хўжалиги Олтиариқ кўчаси 166-уйда яшовчи Тошпўлат Эргашев муздеккина ҳавода Тошкент шаҳрига етиб олмоқчи бўлди. У тун бўйи ўзига тегишли ВАЗ — 2103 русумли давлат белгиси Ж 89—61 ФЕ автоуловини ухламай бошқарди. Устига-устак сафар олдидан дам олмаган эди.

Шу йилнинг 14 июль тонгги соат 5.00 ларда Т. Эргашев Ангрен шаҳар Оҳангарон кўчаси 29-АТП олдида йўлнинг қатнов қисмидан чиқиб кетиб, йўл чеккасидаги бетон тўсиққа урилди. Бу бахтсизлик натижасида ҳайдовчи Т. Эргашев тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

ҒИЛДИРАКЛАРСИЗ ЮРМАЙДИ

Барча автомобиллар яратилганидан бери ғилдиракларда юради. Лекин, айрим "уддабурон" ҳайдовчилр уни ғилдиракларсиз яъни ёнбоши ёки том қисми билан юргизмоқчи бўладилар. Янгийўл шаҳрида яшовчи Р. Шодибоев ҳам яқинда шундай қилмоқчи бўлди.

Жорий йилнинг 14 июл куни у Янгийўл туманидаги Янгийўл — Абай йўлининг 10-чақиримида ўзининг ВАЗ—2106 русумли автомашинасида номаълум сабабларга кўра ағдарилиб кетди. Ғилдиракларсиз автомобил узоққа бормади. Лекин, ҳайдовчининг ёнида бўлган турмуш ўртоғи З. Каримова тан жароҳати олиб, Янгийўл шаҳар касалхонасига ётқизилди.

Юсуф БЎРЛИБОЕВ, Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходими, милиция капитани.

"Қизил китоб" саҳифаларида

БАЛАНД ТОҒЛАР — МАКОНИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ ҳайвонот олами турли-туман. Уларнинг ҳар бирини сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш муҳим вазифа. Шунинг учун ҳам, айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин умуман табиатни, унинг ажралмас қисми бўлган ҳайвонларни муҳофаза қилишга эътибор кескин кучайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида мамлакатимиз ҳайвонот оламини сақлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам шундан далолат беради.

Ҳайвонот оламининг энг йирик вакили ҳам, энг кичик вакили ҳам эндиликда муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Чунки уларнинг кўпчилиги умуман йўқолиб кетди, қолганини асраш ва кўпайтириш лозим. Суғурлар ҳам йўқолиб бораётган жониворлар турига айланмоқда. Ваҳоланки, шундай жониворлар турининг ноёб вакили ҳисобланган қизил суғури фақат Марказий Осиёда мавжуд, курраи заминимизнинг бошқа бирор жойида учрамайди. Одатда, улар баланд тоғларда, ёзда ҳам қори эримайдиган чўққилар яқинидаги ўтлоқларда яшайди. Вилоятимизнинг шундай минтақаларида бир вақтлар сон-саноқсиз бўлган суғурлар эндиликда жуда камдан кам учрамоқда.

Бу жониворларнинг ёғи даволаш хусусиятига эга, мўйнаси қимматбаҳо бўлганлиги учун ҳам кўплаб овланган. Бунинг устига уларнинг табиатдаги душманлари ҳам кўп. Барс, айиқ, бўри, тулки, бургут ва бошқа йиртқичлар шулар ҳисобига киради.

Ҳозирги кунга келиб "Қизил китоб"га киритилган бу жониворни ов қилиш мамлакатимизнинг ҳамма жойларида таъқиқланган. Лекин ҳамма вақт ҳам бунга риоя қилинмаяпти. Бунинг устига суғурлар яшайдиган ўтлоқларда чорва подалари боқилмоқда. Улар жониворларнинг асосий овқати — ўсимликларни емоқда ва пайҳон қилмоқда. Чўпонларнинг итлари ҳам уларнинг кушандалари бўлиб қолган.

Баланд тоғлар макони бўлган суғурларнинг сақланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вақти келди. Акс ҳолда "Қизил китоб"га кирган бу ўзига хос жонивор йўқолиб кетиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

М. МАҲМУТОВ, "Ўзбековбалиқтутиш" уюшмасининг фахрий аъзоси.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг давлат архиви бўлими мудири **Ҳамиджон Адашевич ТУРДИЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти давлат архиви жамоаси вилоят ҳокимлиги архив бўлими мудири **Ҳамиджон Адашевич ТУРДИЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамасининг Матбуот бошқармаси ва Бўка туман босмахонаси жамоалари Бўка туман ҳокимлигининг "Ҳаёт овози" газетаси муҳаррири, вилоят Матбуот бошқармаси Кенгаши аъзоси Эргаш Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси **Равшаной ая ПАРПИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

"Тошкентавтойўл" Давлат Акционерлик Бирлашмаси маъмурияти бирлашма ҳисобчиси Елена Евгеньевна Завадскаяга онаси **Антонина Гавриловна СТЕЦЕНКОнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М-1даги 2 хонали квартира ва 7 сотихли барча қулайликларга эга бўлган уй **СОТИЛАДИ.** Т.65-71-38, 133-66-81.

Шайхонтохур туманидаги "МАҚСАД АФТ" хусусий корхонасига корхона ва ташкилотларни хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида статистика органлари томонидан 1995 йил 27 октябрда 11988 рақам билан берилган йўқолган **ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –19.00. 1 2 3 4 5 6